



# O'ZBEKISTON OVOZI

2012 йил — Мустақкам оила йили

## БОЛАЛАРГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ

Пойтахтимизда болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, ёш тадқиқотчилар, вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, тиббий ёрдам марказлари педиатрлари, умумий амалиёт шифокорлари иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари А.Комилов ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол этиб воғга етказиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаларнинг тиббий-ижтимоий муҳофазалашга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Мустақкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига, хусусан, оналар ва болаларга тиббий-профилактика ҳамда даволаш ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизими шаклланди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2009 йилда ихтисослашган тиббий хизмат ютуқларини педиатрия соҳасига кенг татбиқ этиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббий маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу марказда педиатриянинг долзарб масалалари юзасидан ўндан зиёд давлат гранти бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда яратилган илмий ишланмалар болалар саломатлигини муҳофазалаш ва соғлом авлодни камол-

га етказишга хизмат қилаётди. Илмий марказ клиникасида йилига 12 минг нафар она ва болага стационар шароитда замонавий усулда тиббий ёрдам кўрсатилади. Бундай хизматларни аҳолига яқинлаштириш мақсадида вилоятларда ушбу тиббий марказнинг филиаллари ташкил этилган. Шунингдек, марказ олимлари ва шифокорлари жойларга чиқиб, бирламчи шифо масканлари фаолиятини такомиллаштириш, профилактика ишларини кучайтириш ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Чақалоқларни она сuti билан озиклантириш лойиҳаси бўйича Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббий маркази олимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарларда вилоятимизнинг барча қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари малака оширди, — дейди Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош неонатолог Хабоба Орипова. — Бу борадаги ишлар натижасида чақалоқларнинг касалланиш кўрсаткичи камаймоқда. Ютуқларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Вилоятимиздаги етти та турғу мажмуаси, 14 қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника ЮНИСЕФнинг «Болага меҳри билан» шифохона» сертификатини олган.

Анжуманда болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, диагностика ва даволаш ишларини яхшилаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига оид маърузалар тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

## Давлат дастури ва унинг ижроси



Муродбек ЗИЕ олган суратлар

## ҲАР БИР ОИЛА — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар бўйича семинар ўтказди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси, Иқтисодиёт, Адлия вазирликлари мутасаддилари, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ масъул ходимлари қатнашди.

Оилани давлат ва жамият муҳофазасига олиш, у ҳақда мунтазам гам-хўрлик қилиш, моддий ва маънавий кўмак бериш — инсонпарвар демократик давлатга хос хусусиятдир. «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида оиланинг кадр-қимматини ошириш, унинг ҳар жиҳатдан баркамол, мустақкам бўлиши учун курашиш, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ вазифалар қўйилди. Хусусан, унда оила институти билан боғлиқ қўмиталарнинг такомиллаштириш, бунга жамият эътиборини қаратиш белгиланган. Мутахассисларнинг фикрича, бу жараёнда халқимизнинг ўзига хос урф-одатларини асраб-авайлаш, айни пайтда, халқаро тажрибани ҳисобга олиш фойда муҳим.

Давлат дастурида «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган. Мазкур қонун лойиҳасида хотин-қизлар учун никоҳ ёшини ўн саккиз ёшга ошириш, никоҳ ёшини бир йилгача камайитириш бўйича истисно қилинадиган ҳолатларни аниқлаштириш, болаларни асраб олиш тартибини такомиллаштириш, болалар тарбия муассасасига жойлаштирилган боланинг ота-онасидан суд томонидан ундирилмаган алиментларни банкда шу бола номига очилган ҳисоб-рақамда жамғариш ва воғга етганидан сўнг унга тўлашни кўзда тутувчи тартибни жорий қилиш, шу билан боғлиқ муносабатларни тизимга солиш белгиланган.

(Давоми 2-бетда.)

## Эътироф

Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухоро... Бундай қадимий шаҳарлардаги бетакрор меъморий обидалар ва муқаддас қадимжолар бутун дунёга машҳур. Шу боис кўпчилик сайёҳлар Ўзбекистонга келишни ҳуш кўради. Бу юртни бир марта кўрган киши унга бутунлай мафтун бўлиб қолади. Ҳар келганимда сайёҳлик соҳасида юз бераётган улкан ўзгаришларни кўриб қувонаман. Саёҳат қилаётган ҳар қандай инсон бирон давлатга борар экан, аввало ўзининг дидига, имкониятига мос меҳмонхона излайди. Табиийки, сайёҳлар келадиган меҳмонхоналар шинам, озода, халқаро талаблар даражасида, ўша мамлакатнинг миллий урф-одатларини ўзида муҳасам этган бўлиши даркор. Ўзбекистонда ана шундай талабларга жавоб бера оладиган, юқори сервис хизмати йўлга қўйилган меҳмонхоналар сони ортиб бораёттир. Буни нафақат Тошкентда, балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам кўриш мумкин.

Каламиддин ЗАЙНАЛ, (Малайзия).

Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес-марказида давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган лойиҳа бўйича навбатдаги семинар бошланди.

## АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ СЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХТ) лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи офиси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев Ўзбекистон медиа-соҳасини изчил ва тизимли ислоҳ этиш шароитида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш жараёнини такомиллаштириш, уларнинг ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш, матбуот билан амалда ўзаро ҳамкорлик қилиш учун оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қўмиталарнинг самарали қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўтган йилдан бошлаб ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича мунтазам ўтказиб келинаётган семинарлар бу муҳим вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Семинар Президентимиз Исрол Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган ахборот тизимини ислоҳ қилишга оид вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўтказилмоқда. Бу борада тадбир иштирокчилари уларнинг фаолиятида ошқораликни таъминлашга ёрдам берадиган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» қонун лойиҳасининг асосий қондалари билан батафсил танишдилар.

С. ТОЖИЕВ, ЎЗА мухбири.

## ЎЗХДП: электорат манфаати

# ДУНЁНИ НУР, ҚАЛБЛАРНИ МЕҲР ЁРИТАДИ

Олмазор тумани Ногиронлар жамияти ҳамда ҳомийлар ташаббуси билан Наврўз байрамига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда юз нафарга яқин жисмоний имконияти чекланган инсонлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Ҳиммат — бировга қилинадиган яхшилик, марҳамат, ёрдам, саховат ва олижаноблик. Шундан бўлса керак, бу туйғунини офтобга менгашади. Ундан таралган ёғду меҳр билан уйғунлашиб, янада ёрқинроқ нур сочади, дилларга шаффоқлик, мусаффолик бахш этади, қалбларни ёритади, ўксик кўнглиларга мал-ҳам бўлади... Тақдир ҳукми билан ногирон бўлган одамлар юз-кўзидаги қувонч, ҳаяжон, руҳиятидаги тетиклик ва мамнулик, ҳаётга бўлган муҳаббатни кўриб, бу ҳақиқатни яна бир бор юрак-юрагимдан хис этдим.

— Ҳозир туманимизда 7 минг нафардан зиёд жисмоний имконияти чекланган кишилар истиқомат қилади, — дейди Олмазор тумани Ногиронлар жамияти раиси Улуғбек Абдуллаев. — Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, ўз иқтидор ва имкониятларидан келиб чиқиб иш билан таъминлаш доимий эътиборда. Бу борада туманда фаолият юритаётган ташкилотлар, кўнгилли тадбиркорлар ва оддий саховатпеша инсонлар ҳам бизга елкадош бўлишмоқда. Жумладан, бугунги байрамни таш-

кил этишимизда «Al qods» ва «Diasop» каби масъулияти чекланган жамиятлар катта ёрдам кўрсатишди. — Ногиронлар жамияти туманда катта байрам тадбири ўтказишнинг эътибори, юрагимда бу эзгу ишга оз бўлса-да, ҳисса қўшиш истай туғилди, — дейди Зиёда Азимхўжаева. — Жамия-



Суратда: ўзбек жанг санъати бўйича мамлакат чемпиони Сергей Нагай онаси Елизавета Сек билан. Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ят аъзолари билан бирга маҳаллаларга, хонадонларга бориб, жисмоний имконияти чекланган одамлар, асосан ёшларни тадбирга таклиф қилди. Уни қандай ташкил этиш борасида фикр-мулоҳазаларни тингладик. Улар бундан жуда хурсанд бўлишди, баъзилари ўзи ёзган шеърлардан ўқиб беришди, яна кимдир ўзи чизган ажойиб суратлар билан бизни таништирди. — Байрамлар орасида Наврўзни кўпроқ яхши кўраман, — дейди Холиса Каримова. — Маҳалладошлар билан пиширган сумалағи-

миз ҳам мазали чиқди, уни ҳамма билан баҳам кўраёلمиз. Айниқса, бугунги тадбир ҳар қачонгидан ҳам ёдда қоладиган бўлди. Ажойиб куй-қўшиқларга мириқиб рақсга тушидик, яқинлар дийдоридан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Болажонларни, уларнинг қувончу шодлигини айтмайсизим, дунёни тутаяди-я. Биздан ўз меҳрини аямаган тадбир ташкилотчиларига минг раҳмат.

— Бу йилги Наврўз оиламиз учун омадли келди, — дейди Сергей Нагайнинг онаси Елизавета Сек. — Ўғлим айём арафасида ўзбек жанг санъати бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида голибликни қўлга киритди. У болалигидан спортга қизиқарди. Жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, ҳеч қачон нолимайди. Аксинча, мураббийлари Сергейдаги матонат ва ирода баъзи соғлом спортчиларда ҳам учрамагани, ҳатто машғулотларда ҳам бошқалардан икки ҳисса кўпроқ меҳнат қилишини айтишди. Авваллари уни машқларда қийналаётганини кўриб кўзимга ёш келарди. Энди бўлса, фарзандим билан фахрланаман. Унинг келажакда бундан ҳам катта ютуқларни қўлга киритишига ишонаман.

Тадбирда жисмоний имконияти чекланганларга ҳомийларнинг совға-саломлари ҳам топширилди. Нурали ОРИПОВ

## Истиқлол имкониятлари



## ХОРАЗМ:

# ЯНГИЛАНАЁТГАН, ОБОД ВА ФАРОВОН БЎЛАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР

одамларни хурсанд этмоқда, улар турмушига файз киритмоқда

Хонқалик Қумри Хўжаниёзова узоқ йиллар ҳисобчи бўлиб ишлади. Ҳозир нафақада, тўрт ўғил ва бир қизнинг онаси, шириндан-ширин невараларнинг бувиси. Туманнинг Олажа қишлоғида, намунавий лойиҳа асосида қурилган кўркам уйлارнинг бирида истиқомат қилади.

— Тўнғич ўғлим оиласи билан кўчиб келган бу уйда барча шарт-шароитлар муҳайё, — дейди у. — Газ, тоза ичимлик суви, электр қуввати билан таъминланган. Барчасини давлат ўз ҳисобидан қилди. Бу масканга туташ йўл ва йўлқалар атрофидаги гул ва дарахтларни айтмайсизим. Биз эса иморат учун сарф-харажатнинг бир қисmini тўлаганмиз, холос.

3-бет

Давлат дастури ва унинг ижроси



# ҲАР БИР ОИЛА — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Шунингдек, «Васийлик ва ҳомилик тўрисида» қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда васийлик ва ҳомиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, васийлик ва ҳомилик идораларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаш, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизминини такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўламада қўллаб-қувватлаш, жумладан, қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, бу борада тегишли имтиёз ва афзалликлар бериш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Семинар қатнашчилари уларни амалга оширишда эътибор

қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришди.

Семинарда Давлат дастурига мувофиқ республика шаҳарларида ёш оилаларга сотиш учун 2012-2013 йилларда 48 хонадонли 100 та уй қуришни назарда тутувчи «Ёш оилаларга турар-жой» дастури ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши, ҳар бир қишлоқ туманида 50 нафардан кам бўлмаган ёш оиллага қорамол ва 200 нафардан кам бўлмаган ёш оиллага уй паррандаси берилиши таъминлини, ўзимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарлар, жумладан, мебель, мураккаб машииний техника ва бошқаларни харид қилиш бўйича «Ёш оилаларга истеъмол кредитлари» дастури ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши оила мустаҳкамлигига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Маълумки, оила тинч ва фаровон бўлишида унинг барқарор даражада манбаига эгалиги муҳим ўрин тутди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида иш ўрин-

лари очиш бўйича белгиланган вазибаларни тугал адо этиш шу мақсадга хизмат қилади.

Қонунчилик палатаси депутатлари 2012 йил янги иш ўринлари очиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини бажариш, бу борада изчил мониторинг олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Қўндалик ҳаётимизда маҳалла институтининг аҳамиятини ошириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда унинг таъсирини кучайтириш — долзарб масала. Шу боис «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга маҳалланинг ўрни ва мақомини оширишга доир ўзгариш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Шунингдек, мутасадди вазирилик ва ташкилотлар маҳаллаларда, айниқса, олис қишлоқ жойларда яшаётган ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган фуқароларга уларнинг уйлари

таъмирлаш ва реабилитация воситалари(ногиронлик аравачалари, эшитиш аппаратлари ва бошқалар)ни сотиб олиш орқали ёрдам кўрсатиши лозим.

Семинарда сўзга чиққанлар Мустаҳкам оила йилида давлат ва жамият эҳтиёжман оилалар огирини енгил қилишга ҳар қачонгидан кўп эътибор қаратиши зарурлигини таъкидлашди. Мухтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, фарзандлар тарбиясида кўмак бериш, муносиб ижтимоий-машииний шароит яратиш, айниқса, оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёллар огирини енгил қилишга алоҳида эътибор қаратилиши ижобий самара беради.

Бу ҳақда гап кетганда, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш долзарб масала эканини таъкидлаш жоиз. Бу йил улар учун кичик қорхона ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобидан 240 мингта иш ўрни очиш кўзда тутилган.

Мустаҳкам оила йилида «Соғлом она — соғлом фарзанд» таъминлига мувофиқ кўп эзгу ишлар қилинади. Оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилади.

Давлат дастурига мувофиқ фертил ёшдаги аёллар ва болаларнинг ҳаммасини чуқурлаштирилган комплекс тиббий кўриқдан ўтказиш, соғломлаштириш ҳафталиги ташкил этиш, ногирон бола туғилишининг олдини олиш мақсадида хатарли гуруҳга мансуб 160 мингдан кам бўлмаган хомилалар аёлларни пренатал скрининг билан қамраб олиш, неонатал скрининг сифатини ошириш, аҳолининг овқатланиш сифатини яхшилаш, микронутриент етишмовчилиги профилактикаси дастурлари ижросини давом эттириш, шулар жумласидандир.

Оила мустаҳкамлиги — жамият соадати. Оила тинч, соғлом ва фаровон бўлса, жамият мустаҳкам бўлади, юрт тараққиёти юксалади. Шу боис семинарда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида келиб чиқадиган вазибалар ижросини таъминлаш депутатлари, мутасадди вазирилик ва ташкилотлардан катта масъулият талаб этиши таъкидланди.

**Тўлқин ТўРАХОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўз-ўзини танқид

# БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚЎЙМА

## эртанинг ҳам ўз юмуши бор

Сиёсий партиялар жамиятда қандай таъсир кучига эга бўлиши, давлат ҳокимияти бошқарувида қандай ўрин тутуши унинг амалий ишига боғлиқ. ЎзХДП Марказий Кенгаши ишлаб чиққан қатор лойиҳалар, партия ташкилотлари илгари сураётган ташаббуслар, депутатларимиз саъй-ҳаракати Сайловолди дастурда белгиланган вазибалар ижросига, аниқ натижаларга эришишга қаратилган.

Бу борада Қашқадарё вилоят партия ташкилотлари ҳам ибратли ишлар қиляпти. Партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар, депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан қилинган ишларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо айрим туман партия ташкилотлари суст-кашликка йўл қўймоқда. Уларнинг фаолияти деярли сезилмапти. Партия Сайловолди дастурида белгиланган вазибаларни ҳаётга татбиқ этишда изчиллик етишмапти. Биз бу ўринда Қашаши ва Чироқчи туман партия кенгашлари фаолиятини кўзда тутаямиз.

Қашаши туманида партиянинг 75 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Шундан 42 таси ҳудудий ташкилот. Партиянинг таянчи, жойларда унинг сиёсатини юритадиган асосий куч бўлган қўйи ташкилот имкониятидан тўлиқ фойдаланилмапти. Натижада партиянинг дастурий мақсад-вазибаларини тарғиб қилиш, партия сафини мустаҳкамлаб бериш, электротар орасида улар манфаатидан келиб чиқиб, турли тадбирлар ўтказишда ҳам ташаббус ва фаолият етишмапти.

Партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида 2011 йилнинг 3-чорагида Қашаши туман Кенгашида депутатлик гуруҳи манфаатдор идора ва ташкилотлар билан бирга, ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари ижроси масаласини сессия муҳокамасига олиб чиқиши кўзда тутилган эди. Афсуски, орадан шунча вақт ўтса-да, бу масала бўйича туман Кенгаши сессиясига бирон-бир масала киритилмади. У ҳатто туман Кенгашининг доимий комиссияларида ҳам кўриб чиқилмади. Умуман, мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, туман Кенгаши сессияларига биронта долзарб масала киритилган эмас.

ЎзХДП Ҳаракат дастурида 2011 йилнинг биринчи чорагида туманда касаначиликни ривожлантириш доирасида аҳоли бандлик дастурини бажариш масаласи маҳаллий Кенгаш сессиясига олиб чиқиши белгиланган. Орадан бир йил вақт ўтибдики, бу борада Чироқчи туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи бирор иш қилган эмас. Масала на ўз йиғилишида, на доимий комиссияда, на сессияда кўриб чиқилган.

Бундан ташқари, Ҳаракат дастурида 2012 йилнинг 1-чорагида Чироқчи туманида пенсия ва нафақаларни бериш масалалари бўйича мониторинг ўтказиш белгиланган. Мана, йилнинг уч ойи ўтди, аммо туман партия кенгаши ҳам, депутатлик гуруҳи ҳам амалий ишга киришгани йўқ. Ҳаракат дастурида белгиланган масала муносабат шу бўлса, депутатлик гуруҳи шахсий ташаббус билан бир иш қилишга ишончи мумкинми?

Бугун ЎзХДП ташкилотлари қилаётган ишлар, қўлаётган ташаббуслар ўз самарасини бераётган бир пайтда юқоридаги туман партия кенгашлари талаб даражасида ишламаётганини қандай баҳолаш мумкин? Мазкур туманлар партия кенгашлари раҳбарлари, фаоллари зиммасига қандай маъсулиятли вазибалар юкланганини етарли ҳис этишмаётганга ўхшади.

Бугунги ишни эртага қўйма, эртанинг ҳам ўз режаси бор, дейди халқимиз. Агар фаолликни эртага оширамиз, вазибаларни бажаришга ҳали вақт бор, улгуримиз, деб ўйлагасан, имкониятни бой берамиз. Бу эрта жуда қимматга тушиши мумкин.

**Бехзод ШУКУРОВ**

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

# СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ТИЗИМИ

доирасидаги ўқув-семинарларни ҳар жиҳатдан сифатли ҳамда талаб даражасида ташкил этиш долзарб вазифа

Бугунги кунда давлатнинг, жамиятнинг тинчлиги, тараққиёти ва куч-қудрати кўп жиҳатдан фуқароларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Шу маънода, одамлар, айниқса, ёшларнинг сиёсий билими, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш партия фаоллари ва депутатлар зиммасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу борада ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-семинарлар самараси катта бўлмоқда.

Мамлакатимизда демократик жараёнлар тобора чуқурлашган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб турган бир пайтда сиёсий ўқувлар таъсирчанлигини янада ошириш талаб этилмоқда. Бунинг учун аввало кўйи бугун фаолиятини кучайтириш, замонавий усуллари таъминлаш этилган сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш зарур.

Ҳозир ЎзХДП Наманган вилоят, шунингдек, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан ўтказилаётган семинарларда партия дастурий мақсадлари, амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ислохотлар, янги қабул қилинаётган қонуналар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ва уни одамлар онига чуқур сингдиришга қаратилган 600 дан ортиқ сиёсий ўқувлар ўтказилди. Унда 18 мингдан зиёд тингловчи қатнашди. Машғулотларнинг янада қизиқарли

ва таъсирчан ўтиши учун интерфаол усуллар, очик мулоқот, тренинг, давра суҳбати ва маҳорат дарслари каби шакллардан кенг фойдаланилмоқда.

Шу йилнинг 16 мартида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазибаларни амалга оширишда партия ташкилотларининг иштироки» мавзусида ташкил этилган семинар ҳам замонавий интерфаол усуллар орқали жонли ва таъсирчан руҳда ўтди. Унда билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида келгусидаги устувор вазибалар белгилаб олинди.

Таъкидлаш жоизки, ЎзХДП Наманган вилоят ва туман кенгашлари томонидан ўтказилаётган ҳар бир сиёсий ўқув машғулотига маҳаллий Кенгаш депутатлари, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими ва ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари жалб қилинмоқда. Айниқса, Учқўрғон, Ҳисор, Қосонсой, Тўрақўрғон ва Чуст туман партия кенгашлари бунга алоҳида эътибор билан ёндашмоқда.

2011 йил мобайнида ЎзХДП вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотларида жами 200 та фуқаролик маърифати тизимидаги семинарлар ўтказди. Наманган шаҳри ҳамда Ҳисор, Наманган, Қосонсой, Чуст ва Чортоқ туманларидаги кўйи бўғинлар бу ишда ибрат кўрсатди.

**Айни пайтда партияимиз гоя ва мақсадларини аҳолига кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари имкониятидан самарали фойдаланилмаяпти. Вилоят, шаҳар ва туман кенгашидаги баъзи депутатларимиз ўзларнинг мустақил фикр, аниқ тақлиф йўқми ёки ўз бурчинини етарли даражада англамаяптими?**

Бироқ сиёсий ўқувларга етарли даражада эътибор қаратмаётган, сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўяётган маҳаллий партия кенгашлари ҳам оз эмас. Масалан, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманлари партия кенгашлари фаолияти бугунги кун талабларига тўла жавоб бермайди. Бу туманларда бошланғич партия ташкилотлари ишнинг жонлантириш борасида ҳеч бир ўзгариш кузатилмапти. Шунинг учун, бу каби камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқидик.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Айни пайтда партияимиз гоя ва мақсадларини аҳолига кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари имкониятидан самарали фойдаланилмапти. Вилоят, шаҳар ва туман кенгашидаги баъзи депутатларимиз партия нашрлари ёки бошқа оммавий ах-

борот воситаларида умуман чиқиш қилмайди. Бу нимани кўрсатади? Уларда мустақил фикр, аниқ тақлиф йўқми ёки ўз бурчинини етарли даражада англамаяптими?

Бундай партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари партиялараро баҳсда қатнашишдан ўзини четга олиши, партия гоявий мақсадларини аҳоли ўртасида тарғиб қилишда фаол иштирок этмаслигини нима билан оқлаш мумкин?

Бундай лоқайдлик билан мурося қилиб бўлмайди. Бу соҳадаги ишларимизни жонлантиришимиз, давр талабларига мослаштиришимиз зарур.

Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, жойлардаги тарғибот гуруҳлари тарқибига таъриба-

ли сиёсатшунослар ва нотижли санъатини пухта ўзлаштирган билимдон мутахассисларни жалб қилиш масаласи ҳам кўрилди. Токи тадбирга келган одам бир нима олиб қайтсин.

Кенчаги сайловчи бугунги сайловчи эмас, уларнинг талаб ва дунёқараш ўртасида катта фарқ бор. Одамларнинг сиёсий онги ва маданияти кун сайин юксалимоқда. Бундай вазиятда қўл қовуштириб ўтирган сиёсий партия сайловларда муваффақият қозона олмайди, электротар ишончидан маҳрум бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун ўз ишимизга танқидий баҳо бериш, ютуқ ва камчиликларимизни чуқур таҳлил қилиб, кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишимиз гоятда муҳим аҳамиятга эга.

**Абдурашид АБДУЛДУЛАЕВ,**  
ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси.

Партиялараро баҳс

# ОДАМЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ КЕРАК

ЎзМТДПнинг айрим маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари буни унутмаётган кўринади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, манфаатлари мустаҳкам ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган.

Сиёсий партиялар демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти ривож топишида фаол иштирок этиш, ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш орқали электротар манфаатини самарали ҳимоя қилишга кўп жиҳатдан депутатларга суянади.

Депутат — эл ишонч билдирган одам. У фаол ва ташаббускор бўлса, жамиятда демократик таъминлаш қарор топади, электротар ундан миннатдор бўлади. Бу ўринда маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига ҳам катта вазибалар юкланган.

Улар ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш хусусиятини атрофдаги ўрганиши, электротарни ўйлантираётган масалаларга маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди идоралар эътиборини қаратиши, айни пайтда, уларнинг ечим бўйича тақлиф билдириши, ташаббус кўрсатиши лозим.

Аммо айрим сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари маҳаллий ижро ҳокимияти эътиборини мавжуд муаммоларга қаратмаяпти, номига ишлардан нарига ўтмаяпти. Оқибатда жойларда Давлат ва маҳаллий ривожланиш дастурлари ижроси бўйича тизимли назорат йўлга қўйилмапти, хато ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қиладиган тақлифлар ишлаб чиқилмапти.

Бунга Ромитан туман Кенгаши «Миллий тикланиш» демократик партиясида сайланган депутатлар фаолияти мисол бўла олади. Туман Кенгаши-

да мазкур партия вакиллари 5 нафарни ташкил этади. Улар ўтган йил давомида ЎзМТДПнинг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, электротарни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳеч қандай ташаббус кўрсатмади.

Маълумотларга кўра, ўтган даврда туман Кенгашининг 12 та сессияси бўлган. Уларда туманни ривожлантириш билан боғлиқ турли масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Мазкур қарорларда ҳудуддаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни ечиш, хусусан, аҳолини ўз билан таъминлаш ва бошқа тегишли давлат Дастурлари ижросига алоҳида эътибор қаратилган.

Аммо ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ҳудуддаги партия электротар муаммоларини ўрганиш, доимий комиссиялар ва сессия муҳокамасига олиб чиқишда сусткашликка йўл қўйди. Партия Сайловолди дастурида белгиланган вазибаларни бажаришга депутатлик гуруҳи етарли эътибор қаратмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Маълумки, ЎзМТДП Сайловолди дастурида партия миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши белгиланган. Бироқ депутатлик гуруҳи бу борада амалий иш қилмапти. Ваҳоланки, мазкур туман аҳолиси ўртасида азадан зардўзлик, тикувчилик, каштачилик, дурадгорлик билан шуғулланиб келаётган кишилар оз

эмас. Амалий меҳнатнинг бу турлари билан банд бўлганлар қўллаб-қувватланса, уларга етарли имкониятлар яратиб берилса ҳам аҳоли турмуш фаровонлиги ортади, ҳам қўллаб қишилар иш билан банд бўлади ва бу қадим касб-хунар янада ривож топади.

Зеро, шуни ҳам айтиш керакки, «Миллий тикланиш» демократик партияси Сайловолди дастурида фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётида фаол ва тўлақонли иштирок этиши, аҳоли фаровонлиги ва даромади ўсишини таъминлаш учун кишиларни иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари ва механизмларини такомиллаштириш вазибаларини ҳам белгилаб қўйилган. Аммо юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи бу борада эътироф этишга муносиб бирорта амалий ишнинг кўрсата олмайди.

Шу ўринда туман Кенгашига раҳбарлик қилаётган ЎзЛиДеП аъзоси М.Олимовнинг депутатлик гуруҳларига талабчанлиги етарли эмаслигини ҳам инкор этиш бўлмайди. Чунки туман Кенгаши сессияларини таҳлил қилганимизда, бошқа сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг фаолияти ҳам талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди.

Агар депутатлик гуруҳлари фаол ишласа, табиийки, тумандаги ижтимоий-иктисодий ислохотлар ривожига катта ҳисса қўшади, туман аҳли ишончи ва ҳурматини қозонади. Бунинг учун эса талаб ва маъсулиятни ошириш керак бўлади.

**Гуруҳ ОДАШБОВЕВА,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Истиқлол имкониятлари

# ХОРАЗМ: ЯНГИЛАНАЁТГАН, ОБОД ВА ФАРОВОН БЎЛАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР

одамларни хурсанд этмоқда, улар турмушига файз киритмоқда

**Мансур МАДАМИНОВ,**  
**«Маҳмуд қурилиш-таъмир»**  
**хусусий корхонаси раҳбари:**  
— Олажа қишлоғида дастлабки намунавий турар-жойларни бунёд этиш 2011 йил январда бошланган. Уша йили бутун бошли турар-жой маскани қад ростлади ва қишлоқдаги 20 та оила кўчиб ўтди. Яқин йилларда яна 130 та янги уй қурилади. 28 оилага мўлжалланган иморатлар қурилиши аллақачон бошланган ва уларнинг калитини йил охиригача эгаларига топширилади.

**Зарифбой ОТАЖОНОВ,**  
**меҳнат фахрийси:**  
— Умрим бўйи захмат чекдим, аммо ҳаётим ярим қоронги, зах уйда ўтди. Ҳеч кимга сир эмас, яқин ўтмишда деҳқонга қора меҳнат киши деб қаралган. Бундай иморат унга ушалмас оруз бўлган. Бугун ўғлим, келиним ва набираларим кенг, ёруғ, намунавий лойиҳа асоси-

да қурилган уйга кўчиб ўтишди. Ҳаётдан мамнунман, чинакам фаровон ва обод турмуш-ни энди кўраяман.

**Пўлат БЕРДИЕВ,**  
**қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:**

— Бугун туманга овоза бўлган мажмур масканда Зарифбой оға оиласи ўзи танлаган уйга биринчи бўлиб кўчиб келди. Улар яшаётган уй 4 хонали. Аслида, у 1 та меҳмонхона, 3 та ётоқхона, ошхонага эга. Кўчиб келган 20 та оиланинг барчаси учун ана шундай қулайлик яратилган.

Фуқаролар йиғини раиси турмуш тўқинлиги туфайли юзага келган бошқа бир омил: қишлоқ аҳли онг-шуурида ҳаётга янгилик қараш — олдин унча кузатилмаган рўзғор маданияти намуналари, чиройли яшаш ва мазмунли ҳаёт кечиришга интилиш кучайгани ва у одамларнинг ҳаётида яққол намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

**Мансур МАДАМИНОВ:**  
— Бизнинг Олажа қишлоғида 150 та уй-жой барпо этиш ҳара-



(Давоми. Боши 1-бетда.)



катимиз шу билан ниҳоясига етмайди. Намунали маҳалла мажмуни бунёд этиш ишлари болалар боғчаси, кўркам бозорча, ишлаб чиқариш объеклари, хизмат кўрсатиш-сервис маркази, қўшимча инфратузилма яратиш билан уланган кетади. Худди шундай мажмулар қуриш туманининг бошқа қишлоқларида ҳам олиб борилаётган. Уни «Қишлоқ қурилиш инвести» инжиниринг компанияси вилоят филиалидан ташқари, буортмачиларнинг ўзлари ҳам назорат қилишади. Қирқкўн қишлоғидаги яратувчилик ишининг биринчи босқичи аллақачон ортада қолди. Биргина бизнинг жамоамиз кучи билан у ерда ўтган 2 йил ичида жами 130 та янги уй барпо этилди.

Сухбатдошимиз яна бир ибратли холни тилга олди — бунёдкорликлар туфайли янги иш ўринлари очилмоқда. Ҳозир қишлоқда «Маҳмуд қурилиш-таъмир» ва «Хонқа тараққиёт

қурилиш» хусусий корхоналари катта ҳажми қурилиш-яратиш ишларини олиб бормоқда. Уларнинг сарф-ҳаракати билан 100 дан зиёд иш ўрни очилди.

**Эргаш ОТАЖОНОВ,**  
**тадбиркор (Богот тумани):**  
— Ҳўжалик қишлоғида барпо қилинган «Янги қадам» маҳалласидан буортма асосида кўркам иморат сотиб олдик. Янги уйимиз шу қадр кўркам бўлишини хаёлга ҳам келтирмаган эдим.

**Бахтиёр РАХИМОВ,**  
**«Қишлоқ қурилиш инвести»**  
**Хоразм филиали етакчи мутахассиси:**

— Бир оилага мўлжалланган ва барча шарт-шароит яратилган бутун бошли иморат 66 миллион сўмга харид қилинаётган. Маблағнинг асосий харажатлари дастлаб муддати 15 йилгача бўлган имтиёзли кредит эвазига қолганиши, хонадонлар учун газ ва сув қувурлари, электр энергияси, йўл-йўлак, сугориш тармоқлари маҳаллий бюджет

ва ҳомийлар ҳисобидан бунёд этилиши ҳақидаги гапга дастлаб кўп кишилар ишонмади. Энди эса ҳаммасини ўзлари қўриб-билиб турибди. Шу боис, намунавий уй-жойларга талаб-ғорлар, қурилиш учун маблағ тақлиф этаётганлар сони кун сайин ортаётган.

#### МУТАХАССИС ШАРҲИ

**Зокир Қўшназаров,**  
**«Қишлоқ қурилиш банк»**  
**нинг вилоят филиали кредитлаш бўлими бошлиғи:**

— Қишлоқда намунали турар-жой мажмуалари қурилишини маблағ билан таъминлаш, унга имтиёзли асосда кредит ажратиш «Қишлоқ қурилиш банк», қурилиш-монтаж ишларини ташкил қилиш «Қишлоқ қурилиш инвести» инжиниринг компанияси зиммасига юклатилган.

Намунали уй-жойлар қурилиши амалга оширувчи ташкилот ва корхоналарга цемент,



арматура, пишиқ гишт каби қурилиш хомашёлари арзонлаштирилган нархларда етказиб берилди. Уларга қатор солиқ имтиёзлари берилган. Бундан ташқари, пудрат ишларини адо этувчи қурилиш-монтаж ташкилотлари Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхат асосида мамлакатимизга олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун бож тўловларидан озод этилган. Бундай чоралар қишлоқ аҳолиси учун обод турар-жойлар бунёд этаётган жамоаларнинг молиявий-иқтисодий аҳолини яхшилаб, қурилиш таннархини сезиларли даражада арзонлаштирмоқда.

Бу каби имтиёзлар уй-жой буортмачиларига нисбатан ҳам жорий қилинган. Жумладан, қурилатган турар-жойларнинг

ташқи муҳандислик объеклари: газ, электр қуввати, ичимлик суви тармоқлари бунёд этиш ва ободонлаштириш маҳаллий бюджет ҳамда ҳомий ташкилотлар ҳисобига амалга оширилади. Намунали лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қурувчи фуқаролар 6 ойдан 15 йилгача бўлган муддатда узиш шарти билан кредит олиш имконига эга. Улар, шунингдек, даромад солиғидан озод қилинади. Бундан ташқари, буортмачилар банкга қўйган бадал учун фойз тўловлари олади.

Боготлик Эргаш Отажоновнинг сазни 600 квадрат метрлик турар-жойи 66 миллион сўмга барполанган. Башарти, мажмур иморат тижорат нархларида қуриладиганида уй эгаси унга кам деганди 105-110 миллион сўм сарфлаган бўлар эди.

#### ФАКТ ВА ШАРҲ

**Жумабой СУЛТОНОВ,**  
**«Қишлоқ қурилиш инвести»**  
**инжиниринг компанияси**  
**Хоразм филиали директори:**

— Бу соҳадаги ишлар 2009 йили Хонқа, Богот ва Хива туманларида бошланди. Ҳар қайси туманда умумий қиймати 3,319 миллиард сўмлик 20 та намунали турар-жой бунёд этилди. Янги масканлар учун 4,45 километр газ, 6,97 километр сув қувурлари тортилди, 1,35 километр узунликда электр қуввати тармоғи, 2 километр кўчалар тўла ободонлаштирилди.

2010 йил вилоятнинг 11 та массивида намунавий лойиҳалар асосида жами сазни 60,6 минг квадрат метр бўлган 530 та уй қурилди. Унинг харажатлари 32,2 миллиард сўмни, муҳандислик инфратузилма тармоқлари узунлиги 68,8 километри ташкил этди. Жами 47 та пудратчи қурилиш-монтаж ташкилоти бу ишларнинг бошида турди.

Яратувчилик ишлари Мустақам оила йилида янада авж олмақда. Жами 10 та туман ва 25 та массивни қамраб олган бун-

ёдкорлик ишлари ҳажми 42,6 миллиард сўмни ташкил этди. Қурилган бинолар сони 570 та, уларнинг турар-жой сазни 81,9 минг квадрат метр, инфратузилма иншоотларининг умумий узунлиги эса 80,3 километрдан иборат бўлди. Воҳа қишлоқлари ҳозир қизғин қурилиш майдонига айланган. Фойдаланишга топшириладиган уй-жойлар сони йил охиригача 650 тага етади.

Қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилиши туфайли ўтган уч йил ичида Хоразм воҳасида жами ҳажми 149,25 минг квадрат метрдан иборат 1160 та уй-жой барпо этилди, 173,87 километр масофада инфратузилма тизимлари вуҷудга келди. Айни кезде вилоят қишлоқларида намунали уй-жойлар қуришининг 2016 йилгача бўлган истиқбол дастури ишлаб чиқилмоқда.

**Абдулла СОБИРОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**  
**Суратларда:** Хоразм вилоятининг янги намунавий уй-жой масканлари.

**Суратлар муаллифи**  
**Комилжон ҲОЗИМБЕТОВ.**

#### Миллий матбуот марказида

## МЕБЕЛСОЗЛИК: КЕЧА ВА БУГУН

Мамлакатимизда дастлаб хусусийлаштирилган соҳалардан бири мебель саноатидир. Ҳозир бу соҳада «Файз» холдинг компанияси пешқадамлик қилмоқда. Аҳолини, таълим ва тиббиёт муассасаларини арзон ва сифатли мебель билан таъминлаш мақсадида тармоққа хомашё ва бутловчи қисмлар олиб кириш чоғида божхона йиғими ва тўловлари, мебель ишлаб чиқарувчилар учун солиқлар бўйича енгиллик ва афзалликлар берилди. Натижада кейинги 7-8 йил ичида мебель ишлаб чиқариш умумий ҳажми қарийб олти баробар ошди.

Миллий матбуот марказида бўлган учрашувда компания раҳбар ва мутахассислари оммавий ахборот воситалари ходимлари билан шу ҳақда мулоқот қилди. Улар муваффақиятлар билан бирга мавжуд муаммоларга ҳам тўхтади. Бугунги кунда соҳада импорт 52 фойзни ташкил қилмоқда. Ёғоч, қипқили ва толали плиталарни четдан олиб келиниши маҳсулот таннархини янада пасайтиришга имкон бермаётган.

Бутловчи қисмлар ва фурнитурани республиканинг ўзида ишлаб чиқариш бўйича дастлабки қадамлар қўйилгани ахши бўлди. Мутахассислар қипқили ва толали плиталарни тайёрлаш учун бугун ва шили сомонидан, ҳатто ғўзапоядан фойдаланиш мумкинлигини айтишмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига асосан бу тармоқда оид 28 та лойиҳа тайёрланиб, мутасадди ташкилотларга ҳавола қилинган.

Компания бошқарувининг раиси Мукаррамжон Азимова, раис муовини Фурқат Баратов соҳада малакали мутахассислар етишмаслиги ҳақида қайғуриб гапирди. Бугунги кунда мебелсозлик соҳасида 2194 та бўш иш ўрни мавжуд. Мебелсозлар тайёрлайдиган бирон-та коллеж йўқ. Анжуман иштирокчилари бу борада «Файз» ХКнинг ўзи ташаббус кўрсати-

ши зарурлигини айтишди.

Компания раҳбари мебель корхоналарида касаначилик масаласи ҳақидаги саволга қуйидагича жавоб қилди:

— Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарори бош қорхона ва вилоятлардаги бўлимларда изчил бажарилмоқда, — деди у. — 487 киши ишлайдиган бош корхонамизда 56 нафар касаначи бор. Уй меҳнати шароитида мебель никоблари тикшиш, фурнитураларни қолиплаш, ҳатто ёғоч уйинчоқлар ясаш йўлга қўйилган. Болалар боғчалари учун ёғочдан турли уйинчоқлар ясаш бўйича тандерда ютиб чиққанмиш.

«Файз» ХК томонидан тармоқни янада ривожлантириш мақсадида ёғоч қуриш жараёнини қисқартирувчи технология, ўтган асрда ўрнатилган ускуналарни янгиликларга алмаштириш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари очиш, мутахассислар тайёрлаш ва хорижий етакчи фирмаларида уларнинг малакасини ошириш каби амалий тақлифлар тайёрланган. Уларнинг ижроси бежирим ва шинам, рақобатбардош мебеллар кўпайишини таъминлайди.

**Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**мухбири.**



## МЕЖДУНАРОДНЫЙ АЭРОПОРТ «ТАШКЕНТ»

объявляет открытый тендер малых коммунально-уборочных машин в количестве 2-х штук.

Тендер будет проводиться только за национальную валюту (сум Узбекистана). Условия платежа и поставки указаны в «Инструкции к тендерным документам». Максимальный срок поставки техники — 120 дней с момента проведения предоплаты покупателем. Желающих предложить свои услуги просим прислать заявку на получение инструкции по представлению тендерной документации на **E-mail: sst.tas@uzairways.com.** **Также по факсу: 8-10-99871-140-28-48.**

Инструкция будет предоставлена на безвозмездной основе по указанному вами в заявлении электронному адресу.

**Дополнительную информацию можно получить по телефонам: +99871-140-29-54, спросить Семена Аркадьевича.**

#### Реклама

## ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЗК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №2 на приобретение в 2012 году дизелей для тепловозов серии ТЭ10М в количестве 20 штук, графика поставки (2-3 квартал 2012 года).

Условия оплаты — в течении 70 банковских дней с момента поступления товара на станцию назначения, выписки карточки ввоза и ГТД Руз.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу:

Г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7  
ГАЗК «Ўзбекистон темир йўллари»,  
Управление «Темирйўленилгитаъмин», комната 410.  
Телефон: 237-94-72, 238-84-43, 237-96-33.

Электронная почта-aleksazizov@yandex.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации с 05.04. 2012 г. по 07.05. 2012 г.



Интернет-маълумот

# ОДИЛ АХМЕДОВ РОССИЯ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ФУТБОЛЧИЛАРИДАН БИРИ

бугунги кунда унинг маҳоратига нафақат Осиёда, балки Европада ҳам тан беришяпти, эътироф этишяпти

Одил Аҳмедовнинг бошқалардан устун тарафи у майдоннинг исталган қисмида юқори савияда ўйнай олади. Биз уни фақат дарвозада турганини кўрмаганмиз. Ўтган йили «Анжи»ни бошқарган Гаджи Гаджиев Аҳмедовни ҳимояга яқинроқ чиқишга кўйгани натижасида футболчимиз ўзининг бор имкониятини намойиш эта олмаганди. Бу йил маҳкамликларнинг бош мураббийи ўзгарди. Гус Хиддинк футболчимизни ҳужум орти позициясида ҳам синаб кўрди. Россия премьер-лигасининг 36-туридан ўрин олган «Анжи» — «Кубань» ўйинида футболчимиз нафақат гол киритди, балки жамоасининг иккинчи голига ҳаммуаллифлик қилди.



моқда, балки бошқа футболчилар йўл кўяётган кўлаб хато-ларни ҳам бартараф этмоқда. **Гус ХИДДИНК, «Анжи» бош мураббийи:** — Одил Аҳмедов айна кунда Россия премьер-лигасидаги энг кучли футболчилардан бириндир. Хозир жамоамизда Аҳмедовнинг ўрнини билантирмайдиган Жусулей, Муҳаммад каби таянч ярим ҳимояда ўйнаши мумкин бўлган футболчилар бор. Шу сабабли Одилга

лик билдираман, — дейди Одил Аҳмедов. — Бугун ҳамма яхши ўйнади. Бизда ажойиб жамоа шакланган. Соғлом рақобат фақат клуб фойдасига хизмат қилади. Шу сабабли ҳам жароҳатланганларнинг ўрнига тушган ёш футболчилар жуда яхши ўйнашди.

**Бугун бош билан гол уришга муваффақ бўлдингиз, аммо сизнинг ҳар икки оёқда ҳам кучли зарба бера олишингизни биламиз. «Анжи» мухлислари қачон сизнинг оёқда киритадиган голларингизни нишонлайди?**

— Насиб қилса, кейинги ўйинларда оёқ билан ҳам гол уришга ҳаракат қиламан...

Ҳаммамиз учун ёқимли бўлган яна бир вазият ўйиннинг охирида, яъни Одил Аҳмедовнинг Муборак Буссуфага узатган тўпи гол билан яқунлангандан сўнг содир бўлди. Буссуфа гол урганидан кейин барча футболчилар у томонга югуриб кела бошлашди. Аммо у Одилни ўз ёнига чорлаб, биринчи табрикни ундан қабул қилиб олди.

Футболчимизга Англиннинг энг машҳур клубларидан бири бўлган «Арсенал» кизиқайтгани ҳақида ўтган йили интернет сайтларида ва газеталарда кўп ёзилган. Ҳатто Лондон клубининг расмий сайтида қуйидагича сўровнома ўтказилган: «Сиз жамоамизга Одил Аҳмедовни келишини истайсизми ёки Карим Бенземами?» Ушанда ўзбекистонлик футболчи француз футболнинг юлдузидан кўпроқ овоз тўплаганди. Агар «Анжи» келаси йил еврокубокларда иштирок этса, Одил ўзининг нималарга қодирлигини Европа майдонларида ҳам кўрсата олади.

2011 йилдаги Осиё Кубоги ўйинларини шарҳлар экан, Goal.com сайти ходимлари Одил Аҳмедовга қуйидагича таъриф беришганди: «Одил Аҳмедов мазкур мусобақанинг кашфиёт футболчиси айланади. Унинг Қатар дарвозасига урган голи келажакда жаҳон футболнинг ёрқин юлдузларидан бири бўлишига ишонч уйғотади.»

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ тайёрлади.**

## Баркамол авлод орзуси



Мамлакат ва миллатни бутун дунёга танитишда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шундан бўлса керак, бугун юртимизда санъатнинг бу бетакрор турини кенг тараққий эттириш, ёш мусиқачиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга ўз салоҳияти ва иқтидорини тўла намойиш этиши учун барча шаршароит яратилганда катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури санъатимиз ривожини йўлга солишга асосий роляни ўйнади. Бу ердаги истеъдодли ёшларнинг республика ва халқаро танловларда мунтазам иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам уларга ҳар томонлама пухта билим берилаётганидан далолатдир.



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар.

### Батраз ТИГИЕВ, Sportbox.ru:

«Анжи» футболчилари ўйин бошиданок узоқдан зарбалар йўллашга эътибор қаратишди. Айниқса, бу борада ўзбекистонлик футболчи Одил Аҳмедов фаоллик кўрсатди. Унинг иккита зарбаси сал бўлмаса, гол билан яқунлашиши мумкин эди. Ҳар иккала жамоа аъзолари ичида энг фаол футболчи бўлган Одил Аҳмедов Гонсалес оширган тўпни боши билан дарвозага аниқ йўллади ва ҳисобни очди. Бундан ташқари Аҳмедов иккинчи бўлим охирида Муборак Буссуфага ажойиб тарзда тўпни етказиб берди. Натижада марокашлик футболчи ҳисобни 2:0 кўринишига олиб келди.

### Павел ОСИПОВ, «Спорт-Экспресс»:

Бу турнинг энг эътиборли воқеаларидан бири Одил Аҳмедовнинг Россия чемпионатида ўзининг илк тўпини киритгани бўлди. Ўзбекистонлик ярим ҳимоячи Россия чемпионатидаги 35-ўйинида ўзининг биринчи голини уришга муваффақ бўлди. Чемпионатда бўлмаса ҳам бошқа турнирда Одил илгари гол урган эди. Яъни Россия кубогини дастига олиб берди. «Волга» жамоаси билан бўлган ўйинда «Анжи» сафида ўзининг расмий учрашувдаги дастлабки голини урганди.

### Sports.ru:

Чемпионатнинг сўнгги ўйинларида «Анжи» клуби деярли тўп ўтказмапти. Бу фақатгина химоячиларнинг хатти-ҳаракати билан эмас, балки икки таянч ярим ҳимоячилар — Одил Аҳмедов ва Жусулейларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга ошмоқда. Аҳмедов мавсум бошидан бери ўзининг «ритми»ни ушлаб турибди. Тўпни олиб қўйишда фаоллик кўрсатяпти ва керак бўлса рақиб футболчиларини алдаб ўтишда ҳужумчилардан ҳам яхшироқ ҳаракат қиляпти. Бундан ташқари у дарвоза томон зарбалар беришни ҳам ёқтиради. У Буссуфа, Жирков ва Это'Оларни ҳамisha тўп билан таъминлаб туради ва агар олдинга ташлашни керак бўлса, бу ишни ҳам бемалол бажаради.

### Андрей КОЛЕСНИКОВ, SportBox.ru:

«Анжи» клуби кўлаб номдор футболчиларни ўз сафига қўшиб олди. Улар орасида бошқалар каби машҳур бўлмасада энг ёрқин ўйин кўрсатаётган Одил Аҳмедов бўлиб турибди. «Пахтакор» тарбияланувчиси Россия чемпионатидаги биринчи туридан бошлаб ўзининг майдон марказидаги дадил ҳаракатлари билан мутахассислар эътиборини ўзига қарата олди. 24 ёшли бу йигит нафақат ўзининг ишини бажар-

## Спорт

# ШАРОИТ, ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА



**Футболимиз тарихида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси илк маротаба ер қуррасининг энг нуфузли спорт байрами — Лондон олимпиада ўйинларига йўллангани кўлга киритишга жуда яқин турганди. Аммо Осиё минтақаси саралаш баҳсларини муваффақиятли бошлаган ҳамюртларимиз «плей-офф» учрашувларида Уммон футболчиларига имкониятни бой бериб, мусобақани барвақт тарк этишди.**

Кунга кеча Ўзбекистон футбол федерациясида терма жамоа бош мураббийи Вадим Абрамов иштирокида олимпиячиларимизнинг саралаш ўйинларидаги иштироки аён бўлган бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— Реҳамизга кўра, 14 март кунги саралаш учрашувларини яқунлаб, Лондон олимпиадасига йўллангани кўлга киритишимиз керак эди, — деди Вадим Карленович. — Бироқ шу кунги Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши бўлиб ўтган гуруҳнинг охириги учрашувидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозона туриб, иккинчи бўлимнинг сўнгги 30 дақиқасида ўз дарвозамиздан учта гол ўтказиб

2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида ҳам бош мураббий сифатида майдонга бошлаб чиқасиз. Олдинда муҳим учрашувлар кутиб турибди. Бу баҳсларга қандай ҳозирлик қилишмоқда?

— Албатта, терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида йўлланма олишини халқимиз орзиқиб кутмоқда. Бу орзуни рўйга кичиши ўз-ўзидан амалга ошмайди. ЎФФ ва Терма жамоалар маркази билан ҳамкорликда ўз иш дастуридаги белгилаб олганмиз. Терма жамоамиз номзодлари билан 22 май кунги Тошкентда йиғилди. 27 май кунги эса пойтахтимизда бирорта терма жамоа билан ўртоқлик ўйини ўтказиш режалаштирилган, ҳозир рақиб излашмоқда. Легионерлар эса турли муддатларда терма жамоага қўшилишди. Айримлари сафимизга кечроқ етиб келишса, баъзиларида миллий чемпионат ўйинлари апрель ва май ойида тугаб бўлади. Хуллас, аниқ мақсад йўлида ишлашни ва курашни давом эттирамиз.

Шунингдек, Ўзбекистон футбол федерациясида ЎФФ президенти Мираброр Усмонов раислигида йиғилиш бўлиб ўт-

ди. Унда ЎФФга қарашли Терма жамоалар марказининг фаолияти, шу билан бирга, барча терма жамоаларнинг иш режаси атрофида кўриб чиқилди.

— Кимнидир жазолаш жуда осон, — деди ЎФФ президенти Мираброр Усмонов. — Уни ўз вазифасидан озод қилиб, ўрнига бошқа мутахассисни тақлиф қилиш муаммоннинг энг оддий ечими. Лекин биз Вадим Абрамовнинг миллий терма жамоадаги ишини охиригача етказишни истаймиз.

— Терма жамоалар учун барча шароитлар яратиб берилди, — дея сўзида давом этди федерация раҳбари. — Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. ЎФФ бугун ҳар томонлама, хусусан, молиявий жиҳатдан кучли ва нуфузли ташкилотга айланди.

Бундан ташқари, йиғилишда 22 ёшгача бўлган футболчилардан иборат ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев, 19 ёшлиларни таркибига олган иккинчи ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуруллаев иштирок этиб, амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот бердилар.

Амалдаги мавсумда Осиё футбол конфедерацияси кубоги баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ўз мухлисларини хурсанд қилишда давом этмоқда. Мусобақанинг «Д» гуруҳида тўп сураётган фарғоналиклар кеча ўз майдонида Уммоннинг «Ал-Оруба» жамоасини қабул қилди.

## «НЕФТЧИ»НИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ



Учрашув дастлабки дақиқалардан бошлаб тўлиқ мезонлар устунлигида ўтди. Аввалига 10-дақиқада Бахтиёр Ёқубов ҳисобни очган бўлса, биринчи бўлим тугашига беш дақиқа қолганда Анвар Бердиев пенальтидан мезонлар дарвозасини иштол қилди — 2:0. Юрий Саркисян шогирдлари танлафусдан сўнг ҳам ҳужумкорликни сусайтиришмади. 60-дақиқада «Нефтчи» жамоасининг тиниб-тинчимас сардори Мансур Саидов ҳисобни йирик кўринишга келтирди — 3:0.

Ақсарият ишқибозлар шиддатли ва ҳужумкор кенг баҳсининг шу ҳисобда яқунлашишини тахмин қилаётган бир паллада «Ал-Оруба» футболчилари ўйин тугашига санокли дақиқалар қолганида ўртадаги фарқни қисқартирди — 3:1. Шундай қилиб, ўз ҳисобидаги чемпионатнинг «Нефтчи» жамоаси гуруҳдаги пешқадамлик маъқени мустаҳкамлаб олди.

Аммо Осиё чемпионлиги лигаси учрашувларида қатнашган «Бунёдкор» ҳамда «Насаф» жамоаларининг омади чопмайпти. Охириги турда бунёдкорлар сафарда Япониянинг «Гамба Осака» вакилларига 1:3 ҳисобида мағлуб бўлди. «Насаф» эса Қатарда «Ар-Райан» футболчиларига худди шу ҳисобда имкониятни бой берди.

Кеча Тошкентда «Пахтакор» — «Ал-Араби» жамоалари ўйинида пахтакорчиларнинг қўли банд келди. Илк тўпни пахтакорчилардан Шерзод Каримов учрашувни 10-дақиқасида рақиб дарвозасига жойлаб ҳисобни очган бўлса, 37-дақиқада рақиблар жавоб йўллаб, ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи бўлим (76-дақиқа)да Дилшод Шарофетдинов 2-голга муаллифлик қилди. Учрашувга қўшиб берилган дақиқаларда эса Темирқужа Абдуҳоліқов ҳисобни яна биттага оширди — 3:1.

**MUASSIS:**  
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TANHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDIN MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

**BO'LIMLAR:**  
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'ribiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

**«U-K GAZ SYSTEM» MCHJning Ijroia organi shuni xabar qiladi, 2012 yil 9 aprel soat 10-00 da «U-K GAZ SYSTEM» MCHJ ish-tirokchilarining nabvbatdan tashkari umumiy iygiliishi bulib utadi.**

Umumiy iygiliishi Toshkent shahar, Ziyolilar kuchi, 42-uyda utkaziladi.

**Kun tartibiga quyidagi masalalar kiriritilgan:**

- Jamiyat faoliyatini rivojlantirishning asosiy iynalishlarini belgilash.
- Tashkiliy masalalar.

Gazetaning nabvbatdagi soni 10 aprel, seshanba kuni chiqadi.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 446  
17168  
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 21.30  
Topshirilgan vaqti — 00.30

Navbatchi: **Alisher RO'ZIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5